

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 21 август, № 172 (8515) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан жорий йил 19-20 август кунлари амалий ташриф билан Будапешт шаҳрида бўлди.**





Давлатимиз раҳбари 20 август куни Будапешт шаҳрига ташрифи доирасида Европанинг етакчи “OTP” банки бошқаруви раиси Шандор Чаньини қабул қилди.

Президент Венгрия ишбилармонлари билан ҳамкорликдаги биринчи йирик лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгани — “OTP” банки Ўзбекистон бозорига кирганини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

“Ипотека-банк”ни хусусийлаштириш бўйича битимнинг муваффақияти хорижий инвесторларга муҳим ишора бўлгани ва уларнинг мамлакатимизга қизиқишини оширгани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон банк-молия соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, хизматлар сифатини ошириш, энг аввало, бизнес учун инновацион ва арзон маҳсулотларни жорий этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқлардаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суришнинг самарали молиявий воситаларини тез фурсатда ишга тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Банк раҳбари Шандор Чаньи Венгрия компаниялари ўз инвестициявий фаолиятини кенгайтиришига яратилган қулай шароитлар учун Ўзбекистон етакчисига самимий миннатдорлик билдирди.

Будапешт шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайийп Эрдоғаннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнида фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсмоқда. Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим кучга кирди. Қўшма корхоналар сони 2,5 мингдан ошди.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари икки мамлакат етакчи компанияларининг устувор тармоқларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режаларини олқишладилар.

Икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси, шу жумладан, қўшма Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг жорий йилда ўтказилиши мўлжалланган саммитларига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Будапешт шаҳрида ўтаётган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов билан суҳбатлашди.

Икки томонлама амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, етакчилар жаҳон чемпионатининг эркаклар ўртасида 100 метр масофага югуриш бўйича финал баҳсини томоша қилдилар.

Енгил атлетика бўйича XIX жаҳон чемпионати Будапешт шаҳрининг Енгил атлетика миллий марказида 2023 йил 19 август куни бошланган бўлиб, 27 августгача давом этади. Медаллар спортнинг 49 тури бўйича, шу жумладан, эркаклар ва аёллар ўртасида 24 тадан йўналишда ҳамда аралаш эстафетада ўйналмоқда. Мусобақаларда 190 дан зиёд мамлакатлардан 2 минг нафардан ортиқ спортчилар қатнашмоқда.

Чемпионатда Ўзбекистондан 5 нафар атлетимиз спортнинг баландликка сакраш, уч ҳатлаб сакраш, узунликка сакраш, еттикураш ва марафон каби турларида куч синашмоқда.

Ғолиблар ҳамда олимпия нормативларини бажарган спортчилар 2024 йилда Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Президентимиз Венгриянинг давлат байрами — авлиё Иштван кунига бағишланган тадбирларда ҳам иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

**Акс садо**

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ — БУГУНГИ ВА КЕЛАЖАК ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИ

*Шу йилнинг 18 август куни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқоти ва унда илгари сурилган эзгу ташаббуслар нафақат соҳа вакиллари, балки каттаю кичик ҳамюртларимизнинг жиддий қизиқишига сабаб бўлмоқда. Шу боис очиқ мулоқот ва ундан келиб чиқадиган вазифалар бутун мамлакатимиз бўйлаб катта акс садо бераётгани эътиборга молик.*

*Дарҳақиқат, юзма-юз мулоқотда кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи, эртанги кун истиқболи билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланди. Ва айни жиҳатлари билан ҳам учрашув ҳаётимизда янги кун, янги давр бошланишига хизмат қилади.*

*Тадбиркорларнинг очиқ мулоқотдан олган таассуротлари, мақсад-режалари билан қизиқиб, уларнинг ўзига бўлган ишончи, ғайрат-шижоати юксалаётгани ҳамда юксак эътибор ва рағбат янги марраларга қанот бўлаётганини англаш мумкин.*

**2-саҳифага қаранг.** ➡

**«Яшил» иқтисодиёт**

## ОСМОНДАН ЁҒИЛАЁТГАН ҚУТ-БАРАКА

*2021 йилнинг 27 августида Кармана туманининг Маликчўл ҳудудида илк қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Бу билан юртимизда “яшил” энергетикага ўтиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича янги давр бошланди. Корхонанинг очилиш маросимига бағишланган тантанада қатнашган мамлакатимиз раҳбари буни алоҳида эътироф этаркан, қисқа муддат, яъни бир ярим йил ичида тармоқ тараққиёти сари тарихий қадам қўйилганлигини алоҳида таъкидлади.*

Зеро, ушбу янгиликнинг аҳамияти энергия ресурсларига эҳтиёж ортиб бораётгани ёхуд мазкур ресурсларнинг тақчиллиги билангина эмас, балки анъанавий усулларнинг атроф-муҳитга етказаётган зарари ва глобал миқёсда иқлим ўзгаришининг олдини олишда янги Ўзбекистоннинг дадил қадами сифатида халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳолангани билан ҳам изоҳланади.

### Янгиликнинг глобал моҳияти

Албатта, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 16 ГВтни ташкил этадиган Ўзбекистон электр энергияси тизими учун 100 мегаватт (станциянинг лойиҳа қуввати) унчалик катта кўрсаткич эмас. Бироқ ушбу станцияда 100 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш туфайли йилига 80 млн. метр куб табиий газ тежалиб, (бу тахминан 254 минг хонадоннинг куз-қиш давридаги 150 кунлик истеъмоли, демак) атмосферага 160 минг тонна буғланувчи газлар чиқарилишининг олди олинишини инобатга олсак, янгиликнинг глобал моҳияти нақадар улуғворлигини англаймиз.

➡ 3

**Қарор ва ижро**

## БИЛИМЛИ, КУЧЛИ ВА ДОНО ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛОВЧИ МАСКАН

*Мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароит яратишга эътибор кучайтирилмоқда. Зеро, юртимизнинг келгусидаги жадал тараққиёти келажагимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий етуклигига боғлиқ. Ва бу борада зарур ҳуқуқий шароит яратилгани муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Президент мактаблари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари соҳада муҳим дастуриламал бўлаётир.*

Бу ҳужжатларнинг ижроси ўлароқ ёш истеъдодларни аниқлаш, иқтидорлиларни танлаш ва ўқитиш, интеллектуал имкониятини намоён этишга ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим муҳитини яратувчи Президент мактаблари ташкил этилди. Уларда ўқувчилар интеллектуал салоҳияти ва креатив фикрлашига кўра қабул қилингани, ўқув-тарбия жараёни тўғри ташкил этилгани, энг яхши педагог ходимлар, жумладан, юқори малакали хорижий мутахассислар жалб этилгани қисқа вақтда ўз самарасини кўрсата бошлади.




Фикримизни мисоллар билан давом эттирсак, 2022 йилда 14 та Президент мактаби Халқаро Кембридж ташкилотининг аккредитациясидан муваффақиятли ўтиб, расмий “A Level” имтиҳон марказларига айланди. 2023 йилда Тошкент, Жиззах, Бухоро, Андижон, Хива ва Навоий вилоятларидаги 6 та шундай мактаб “SAT” академик баҳолаш тести халқаро сертификати имтиҳонларини ўтказадиган расмий марказлар сифатида тан олинди.

➡ 3

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИШБИЛАРМОНЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН

*“UzFranceTrade” савдо уйи директори Холид Бедауш “Дунё” ААга берган интервьюсида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 18 август куни тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқот тарзидаги учрашувидаги нутқи ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.*

## Дунё нигоҳи

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқот тарзидаги анъанавий учрашуви давлат раҳбари томонидан Ўзбекистонда бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг ёрқин намунасидир, — дейди Холид Бедауш. — Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббус ва таклифлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, тадбиркорликни самарали жорий этиш учун мустаҳкам замин яратишга хизмат қилади.

Жумладан, мамлакатда микромолия ташкилотларини очиш тартиби енгиллаштирилгани натижасида кейинги бир йилда уларнинг сони 1,5 баробар, улар томонидан ажратилган кредитлар ҳажми эса 3 баробар кўпайгани таъкидланди. Натижада нобанк ташкилотлар томонидан фақат йил давомида 3 трлн. сўмлик кредитлар ажратилди. Шунингдек, божхона тартиб-таомилларининг соддалаштирилгани ҳам ижобий натижалар бермоқда. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, алоҳида божхона режимларидан фойдаланаётган тадбиркорлар сони икки баробар ортиб, яратилаётган имкониятлар туфайли йил давомида 455 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Шу билан бирга, Президент кичик бизнес учун яратилган шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, “Бизнесни ривожлантириш банки” қошида кичик бизнес маркази ишга туширилиши ҳам тадбиркорлар сонининг кўпайишига хизмат қилади.

Қолаверса, давлатингиз етакчиси томонидан Тадбиркорликни ривожлантириш жамғармасининг вазифалари аниқ белгилаб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, мазкур жамғарма маблағларини нафақат бюджет ҳисобидан, балки мустақил равишда инвестицияларни жалб этиш орқали кенгайтириш имконияти яратилди. Шундай қилиб, ушбу маблағлардан ўрта бизнес учун қўшимча 1 млрд. доллар жалб этилиши Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Президент ташаббуси билан электротехника, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, мебель ишлаб чиқариш ҳамда полимер, кимё ва озиқ-овқат каби соҳаларда халқаро маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилган 40 та тайёр лойиҳада очиқ ва ошкора шартларда тадбиркорларнинг иштирок этишига оид ташаббусини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу Ўзбекистон раҳбарининг ўз бизнесини ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратишдан манфаатдор бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётганининг ёрқин намунасидир.

Мулоқотнинг долзарблиги ишбилармонлик муҳитини рағбатлантириш, барқарор сармоявий муҳитни яратиш, республиканинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни минтақадаги сармоявий ва ишлаб чиқариш марказига айлантириш зарурати билан белгиланаётганини алоҳида таъкидлаш керак.

**«Дунё» АА.**
Париж

## Сенатор ва ҳаёт

# МУРОЖААТЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ҚИЛИНДИ

*Аҳоли билан доимий мулоқот, уларнинг мурожаатлари билан ишлаш сенаторлар фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатида фуқароларнинг доимий қабули ўтказиб келинмоқда. Уларда сенаторлар томонидан аҳолини қийнаган масалаларни ечиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотларга қонуний кўриб чиқиш учун тавсия ва кўрсатмалар берилаётгани эътиборга молик.*

Шу йил 17 август куни Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг доимий асосда ишловчи сенатори Гулнора Маъруфова навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Қабул давомида Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Андижон, Навоий, Фарғона, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳамда бошқа ҳудудлардан келган 30 га яқин фуқаролар мурожаатлари тингланди. Шундан 10 таси моддий ёрдам кўрсатиш, 3 таси уй-жой билан таъминлаш, 10 таси суд қарорлари устидан шикоят, 1 таси бандлик, 2 таси низоли ер майдони, 3 таси банклар фаолияти билан боғлиқ масалалар бўлиб, барчаси масъуллар иштирокида атрофлича кўриб чиқилди.

Хусусан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидан фуқаро Н. Каримова оилавий шароити ночорлиги боис моддий ёрдам олиш, “аёллар дафтари”га киритиш бўйича мурожаат қилди. Ушбу масала юзасидан сенатор томонидан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси масъул вакилига кўрсатма берилди. Шу билан бирга, Фарғона шаҳридан келган фуқаро Г. Султонова даволаниши учун моддий ёрдам сўраган. Мазкур масала бўйича Фарғона вилояти ҳокимлигига мурожаатни ижобий ҳал этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Қабул чоғида ўрганиш ва қонуний ечим топиш учун қўшимча муддат талаб этиладиган мурожаатлар бўйича тегишли идоралар мутасаддилари зиммасига аниқ вазифалар юкланди. Ўнга яқин фуқароларнинг мурожаатлари ўрнатилган тартибда ўрганилиши айтилиб, уларга ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди. Қолган мурожаатлар эса шу жойнинг ўзида сенатор ва мутасаддилар томонидан ижобий ҳал қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Фикр

# ҲУДУДЛАРДА 14 ТА КИЧИК БИЗНЕС МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти юртимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, бу йўналишда ўзини илк бор синаб кўрмоқчи бўлган ёш ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган таклиф ва ташаббусларга бой бўлгани билан эътиборга моликдир.*

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлардан келиб тушган мурожаат ва таклифлар ечими юзасидан дастлаб 2021 йилда 57 та, 2022 йилда эса 55 та ташаббус илгари сурилган эди. Ушбу таклифларнинг барчаси қисқа фурсатларда ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, ўтган йилги таклифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга бўлинди ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида ёндашувлар асосида ишлаш тизими йўлга қўйилди. Туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилиб, 60 та туманга алоҳида солиқ, кредит ва молиявий ёрдам режимлари жорий қилинди. Натижада бу туманлардаги тадбиркорлар ўтган олти ойда қарийб 1 трлн. сўмлик имтиёзлардан фойдаланди. Бунинг ҳисобига 20 та тумандаги тадбиркорларнинг даромади ўтган йилдагига нисбатан 1,5-2 бараваргача ошди.

Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддати қисқартирилиб, ўтган бир йил ичида 6 мингта корхонага 20 трлн. сўм қайтариб берилди. Айниқса, экспортдан валюта тушумини кутмасдан, қўшилган қиймат солиғини интизомли экспортчи корхоналарга қайтариб бериш тартиби жорий қилингани натижасида 2 мингдан зиёд тадбиркорлар ҳисоб рақамига 7 трлн. сўм келиб тушди.

Айтиш мумкинки, ушбу қайтариб берилган маблағлар нафақат тадбиркорларимиз даромади ортишига, айни пайтда маблағларини ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун қайта сармоя сифатида киритишига ва янги-янги иш ўринлари яратилишига асос бўлди.

Яна бир муҳим масала. Бугун тадбиркорлик ривожини экспортсиз ва жаҳон бозорисиз тасаввур этиб бўлмаслиги ҳаммамизга яхши маълум. Бунда божхона хизматининг ўрни юқори. Божхона ҳудудида қайта ишлаш тизими соддалаштирилгани натижасида ушбу божхона режимидан фойдаланувчи тадбиркорлар сони 2 баробарга кўпайди. Илгари янги тадбиркорлар учун “кириш қийин бўлган” 119 та фаолият бўйича лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки хабар бериш шаклига ўтказилди. Биргина республика ҳудудида юкларни автомобилда ташиш каби фаолият бўйича лицензияларни бекор қилиш ҳисобига юк ташиш ҳажми 1,5 бараварга ошди.

Эътибор берилса, булар ғоят қисқа — ўтган бир йил ичида амалга оширилган ишлар. Лекин ҳозирги замон биздан эришилган натижаларга маҳлиё бўлмасдан янгидан-янги марралар сари интилиб, юқори натижаларга эришишни талаб қилмоқда. Шу боис мулоқот чоғида Президентимиз кичик бизнесга янги имкониятлар яратиш борасида яна бир қатор ташаббусларга тўхталиб ўтди.

Жумладан, эндиликда кичик бизнес вакилларини тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа ишлаб чиқиш, фаолиятини молиялаштириш, маҳсулотларига бозор, бизнесига шериклар топиш бўйича яхлит экотизим яратилади. Бунинг учун “Қишлоқ қурилиш банк” “Бизнесни ривожлантириш банки”га айлантирилиши айни муддао бўлди.

Эндиликда банк ҳузурида ҳар бир ҳудудда жами 14 та кичик бизнес маркази ташкил этилади. Ушбу марказлар ташаббускорларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашади, ўз ҳисобидан янги лойиҳа қилмоқчи бўлган тадбиркорларни ўқитади. Энг муҳими, тадбиркорлар учун бухгалтерия, солиқ, аудит, маркетинг, ҳуқуқий ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатади. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда тадбиркорлар сафи янада кенгаяди, ишлаб чиқариш кўлами ортади. Асосийси, янги-янги иш ўринлари яратилиб, минг-минглаб ёшлар даромад манбаига эга бўлади.

Бундан ташқари, ҳудудлардаги кичик бизнес марказларида ўқиган тадбиркорларнинг лойиҳаларини энг қулай шартларда молиялаштириш ҳам йўлга қўйилади. Бунда кичик бизнес лойиҳасининг 10 фоизига тадбиркор инвестиция киритса, 45 фоизига “Бизнесни ривожлантириш банки”нинг ўзи, қолган 45 фоизи учун давлат кўмагида ресурс йўналтирилади.

Умуман олганда, кичик бизнес вакилларининг бундай қўллаб-қувватланиши қисқа вақт ичида мамлакатимизда тадбиркорлар сони янада ортишига, иқтисодий барқарорлик таъминланиб, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги молиявий имкониятлар янада кенгайишига хизмат қилади.

**Музаффара АБДИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ХИТОЙДА СУРХОНДАРЁНИНГ ЭКСПОРТ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

*Сурхондарё вилояти делегациясининг Хитойга ташрифи доирасида мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонасида бизнес форуми ташкил этилди.*

*Тадбирда Хитой савдо-саноат палаталари, йирик компания ва ташкилот раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди. Анжуманда Сурхондарё вилоятининг экспорт имкониятлари ҳамда сармоявий салоҳияти юзасидан батафсил тақдимот ўтказилди. Хитой компаниялари вилоятнинг эркин иқтисодий ва саноат зоналарида яратилган имкониятлардан кенг фойдаланишга чақирилди.*

## Биз ва жаҳон

Қўшни давлатлар билан самарали савдо, транспорт ва логистика алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида “Термиз” эркин иқтисодий зонаси фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, бу ерда саноат ишлаб чиқариш соҳаларида йирик корхоналар очиш учун 120 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилгани айтиб ўтилди.

Бугунги кунда Сурхондарё ва Хитой ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хусусан, 2022 йил якунларига кўра вилоятнинг Хитой билан ташқи савдо айланмаси 77 млн. долларни ташкил этди ҳамда ушбу мамлакатдан жалб қилинган инвестициялар миқдори 102,5 млн. долларга етди.

Форум давомида, шунингдек, “Термиз” халқаро савдо марказининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Учрашувлар якунида турли соҳаларда манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

— Биз Ўзбекистон билан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш жабҳасида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, — дейди Хитойнинг “Huawei” компанияси Тошкентдаги офиси директори ўринбосари Сюй Хай. — Шу жумладан, баъзи экологик тоза тармоқларни ривожлантириш бўйича биргаликда ишлашимиз мумкин. “Huawei” компанияси, шунингдек, маҳаллий даражада кейинги босқичларда амалиёт ва таълим бериш, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассисларни тайёрлашда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

— Бугунги форум Сурхондарё вилоятининг иқтисодий салоҳиятига бағишланди, — дейди Хитойнинг “Longi” компанияси менежери Цзи Цзин. — Дунёнинг етакчи қуёш энергияси ишлаб чиқарувчиси сифатида биз Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистонда ҳам лойиҳаларимиз бор. Икки томонлама алоқалардан мамнунмиз ва биз ўз саъй-ҳаракатларимиз орқали мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

**«Дунё» АА.**
Пекин

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ — БУГУНГИ ВА КЕЛАЖАК ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИ

**Гавҳаржон ЖУМАНОВА, Урганч шаҳридаги «Darital shoes» МЧЖ раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

### Ишонч марралар сари ундайди

— Бирор ишга иштиёқ билан киришган одамга билдирилган арзимас далда унга катта куч-ғайрат бағишлагани каби янги бизнес режалар тузаётган тадбиркорларга кўрсатилган ҳар қандай рағбат катта муваффақиятларга омил бўлиши аниқ. Шу маънода, Тадбиркорлар куни арафасида давлатимиз раҳбарининг Фармонига асосан “Шуҳрат” медали билан тақдирланишим янги ғоя ва ташаббусларга рағбат берди. Бундай эътибор, билдирилган ишонч зиммамга янада катта масъулият юклаб, халқимиз ва Ватанимиз равнақи йўлида шижоат билан меҳнат қилишга чорлайди.

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда давлатимиз раҳбари ўз нутқида фаолиятимизга оид жуда кўплаб масалаларга эътибор қаратди.

Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича мавжуд жамғармалар иш услубининг тубдан ўзгартирилиши, экспортчи корхоналарни рағбатлантириш, солиқ ва божхона имтиёзлари, банк кредитларига оид қулайликлар биз учун жуда муҳим янгилик бўлди. Очиқ мулоқотда соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган муҳим йўналишлар белгилаб берилди ва бир қатор янги ташаббуслар илгари сурилди. Бу ўзгаришлар бизнинг корхонамиз мисолида ҳам иқтисодий ривожланиш учун мустаҳкам замин яратади.

Бугунги кунда корхонамизда тайёрланаётган мавсумбоп, юқори сифатли, хушбичим пойабзалларнинг тури 150 тадан ошиб кетди. Ишлаб чиқариш цехларига Германия, Италия, Туркия давлатларидан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, бозор талабидан келиб чиқиб ҳар хил ассортиментдаги пойабзаллар тайёрланмоқда. Корхонада халқаро стандартларга мувофиқ бўлган “ИСО-9001” сифатни бошқариш тизими жорий этилган. Маҳсулотлар юз фоиз табиий чармдан тайёрлангани туфайли пишиқ-пухта, инсон саломатлиги учун ҳам безарар.

Мухтасар айтганда, очиқ мулоқотда билдирилган фикрлар, яратилаётган имкониятлар бизни янги лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришини янада кенгайтиришга ундайди.

**Дилмурод АҲАДОВ, Бухоро шаҳридаги «Carmen plyus» МЧЖ раҳбари, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби:**

### Тажриба — муваффақият калити

— Президентимиз тадбиркорлар билан самимий руҳда кечган очиқ мулоқотда тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг етакчи бўғинига айланганини таъкидлади. Кичик бизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш учун қулай муҳитни юзага келтириш борасида мутлақо янги ёндашувлар жорий этилиши айтиб ўтилди. Бунда ушбу соҳа вакилларини тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳалар тайёрлаб бериш, фаолиятларини молиялаштириш каби йўналишларда бутун бошли яхлит тизим яратилиши тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятидаги минглаб юртдошларимиз учун жуда катта имконият, албатта.

Бу ҳақда бежиз тўхталмаяпмиз. Тажриба кўрсатяптики, етарли билим ва малака билан бизнес соҳасига кириб келган инсон қийинчиликлар олдида эсанкираб қолмайди. Тадбиркорликда билим ва тажриба — муваффақиятлар калити.



Шу ўринда фаолиятимиз хусусида қисқача тўхталиб ўтсам. Тиббиёт марказимиз 2021 йилнинг февралида ишга тушган. Лойиҳанинг умумий қиймати 9,5 млн. АҚШ доллари миқдорида бўлиб, унинг асосий қисми банк томонидан молиялаштирилди. АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Япония, Франция каби тиббиёт равнақ топган давлатлардан олиб келинган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Тиббиётнинг ўндан зиёд йўналишларида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Фаолиятимизни тобора кенгайтириб боряпмиз. Қисқа муддат ичида марказимизда шифо ўринлари сони 140 тага етган бўлса, ишчи-ходимларимиз сони ҳам айнан шунчани ташкил этяпти. Яқин келажакда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона барпо этиш тараддудидамиз. Давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши бизга шу каби лойиҳаларни рўёбга чиқаришда қўл-қанот бўляпти.

**Садоқат МИРЗАЕВА, Фарғона туманидаги «Art House Sadosh» МЧЖ раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиби:**

### Ҳуқуқ ва манфаатларимиз — давлат ҳимоясида

— Дунё тажрибасида ишбилармон доира вакиллари билан ишлашнинг турли механизмлари мавжуд. Аксарият давлатлар тадбиркордан манфаатдор бўлгани ҳолда, уларнинг фаолияти ривожи учун кенг йўл очиб беришга интилади. Мамлакатимизда ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, эркин фаолияти учун шароит яратиш бўйича ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий асослар яратиляпти.

Давлат раҳбари билан кечган бу йилги очиқ мулоқот ҳам ҳар бир иштирокчи ҳаётида унутилмас, бир умрлик таассурот қолдирди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Чунки учрашув давомида биз ишбилармонларга кўплаб янги имтиёзлар берилганига гувоҳ бўлдик. Президент ўз нутқида бешта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди. Уларнинг ҳар бири ўз ичига кўплаб ташаббусларни қамраб олгани билан аҳамиятли.



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

Мисол учун, кичик бизнесга янги имкониятлар. Соҳа вакилларини тадбиркорликка ўқитиш, уларга лойиҳа қилиб бериш, фаолиятини молиялаштириш, маҳсулотларига бозор ва бизнесига шериклар топиш бўйича яхлит тизим яратиладиган бўлди. Бунинг учун “Қишлоқ қурилиш банк” “Бизнесни ривожлантириш банки”га айлантирилади. Банк ҳузурида ҳар бир ҳудудда жами 14 та кичик бизнес маркази ташкил этилади. Уларда ўқиган тадбиркорларнинг лойиҳалари энг қулай шартларда молиялаштирилади. Бу дастурда қатнашаётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини уч йилгача текширишга йўл қўйилмайди.

Солиқ маъмурчилигини соддалаштириш борасидаги фикрлар ҳам кўнглимиздаги гап бўлди. Президент бу соҳада коррупция билан боғлиқ шикоятлар кўпайиб кетгани, қўшилган қиймат солиғини қайтаришда солиқ узилиши коэффициентини қўллаш амалиёти (tax gap) адолатсиз эканини қайд этди. Шу йил 1 октябрдан бошлаб ушбу амалиёт бекор қилинадиган бўлди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани эса мамлакатимизда тадбиркорларга, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишда янги имкониятлар яратаётгани билан эътиборга молик.

**Бобурбек СОДИҚОВ, Андижон шаҳридаги «Windows and Doors Factory» МЧЖ раҳбари, «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони соҳиби:**

### Янги имкониятлар даври бошланди

— Кейинги йилларда тадбиркорлик учун барча имконият яратиб берилмоқда. Шу боис у мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчига айланди.

Давлатимиз раҳбари билан бўладиган бу йилги очиқ мулоқотда қатнашишдан аввал, тадбиркорлик фаолиятимни обдан таҳлил қилдим. Бундан атиги бир йил муқаддам Андижон шаҳрида “Windows and Doors Factory” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, эшик-ром ишлаб чиқара бошладик. Бунга туртки берган сабаб — кейинги йилларда мамлакатимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланганлиги. Нафақат шаҳарлар, балки энг чекка маҳаллаларда ҳам қурилиш ишлари амалга оширилаётганлиги, соҳа истиқболи порлоқ эканлиги боис ҳам ушбу йўналишда иш бошлаб ўз бизнесимизни ривожлантирдик. Асосийси, шу қисқа муддат ичида 100 нафар ҳамюртимизни доимий иш жойи билан банд қилдик.

Чиндан ҳам, одамларнинг тадбиркор бўлишга интилишига амалий ёрдам берилса, бунёдкорлик янада кенг қулоч ёзишига бизнинг фаолиятимиз яққол мисол. Президент билан очиқ мулоқот эса турли тўсиқларга тўғри ва оқилона ечим топиш, юртимиздаги ҳар бир тадбиркор ҳамиша давлатимиз ҳимоясида эканини теран ҳис этиш имконини бермоқда. Шу боис ҳам учрашувда кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун энг кўп қийинчилик туғдираётган мавжуд муаммолар айтиб ўтилди. Президентимиз бу борада вазиятга одилона баҳо бериб, тадбиркорларга қулай муҳитни яратиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Унга биноан эндиликда корхона хорижий бренд ва инвестор билан келишувга эришса, бизнесини ривожлантиришга Саноат жамғармаси 25 фоизгача сармоя билан улуш қўшиши мумкин бўлади.

Бугун тадбиркорлар учун янги имкониятлар даври бошланди. Бу, ўз навбатида, халқимиз фаровонлиги ошиши, мамлакатимиз тараққиёти янада юксак поғоналарга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади.

**Абдусаттор МУРОДОВ, Наманган шаҳридаги «Flat Tile» МЧЖ раҳбари:**

### Ишчиларимиз 450 нафарга етади

— Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасида бугун хусусий сектор нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда, балки аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини юксалтиришда ҳам алоҳида аҳамият касб этаётир. Айни пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари бозорларимиз тўкинлигини таъминлаш баробарида давлатимиз экспорт салоҳиятини оширишга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу жиҳатдан айтганда, учрашувда қатнашган тадбиркорларга “140 та илғор саноат корхонаси” лойиҳаси тақдимот қилинди. Бу борада ташаббускор тадбиркорларга қатор имтиёзлар берилиши таъкидланди. Бундай таклиф ҳар қандай ишбилармонга ғайрат-шижоат бахш этиши аниқ.

Очиқ мулоқот арафасида шакллантирилган истиқболли инвестициявий лойиҳалар орасидан танланган 26,2 млн. доллар қийматидаги “Темир қопламали керамогранит ишлаб чиқариш” лойиҳасини амалга ошириш орқали истеъмол бозорига импорт ўрнини босувчи янги маҳаллий маҳсулотни олиб киришни мақсад қилдик. Бунинг учун 7 млн. доллар миқдорида ўз сармоямиз, 19,2 млн. доллар хорижий кредит линияларидан ажратиладиган имтиёзли маблағни йўналтиришни режалаштирганмиз.

Умуман олганда, корхонамиз жамоаси яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятини кенгайтирмоқда ва янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаганмиз. Яқин кунларда янги ва истиқболли лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш орқали 300 та қўшимча иш ўрни яратилади. Шу тариқа умумий ишчи-мутахассисларимиз сони 450 тага етади.

**«Халқ сўзи».**

# ОСМОНДАН ЁҒИЛАЁТГАН ҚУТ-БАРАКА



1 — Шунингдек, 100 МВт электр энергияси ўртача 5 та туманнинг эҳтиёжини қоплайди, — дейди “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Навоий магистраль электр тармоқлари филиали бош муҳандисининг ўринбосари Воҳиджон Турганов. — Аммо мазкур қувватдаги электр энергия Навоий вилоятининг 5 та туманига йўналтирилади, дегани эмас. Станцияда ишлаб чиқарилган электр энергия республиканинг барча ҳудудини ўзаро боғловчи юқори кучланишли тармоқларга узатилади.

Ва ниҳоят, ушбу электр станциянинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг ишга туширилиши билан мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида шундай станциялар қуриш жараёни бошлаб берилди. Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи доирасида имзоланган бир қатор шартномалар асосида унинг тамал тоши қўйилган эди. Мазкур ҳамкорлик самараси ўлароқ ўша йилнинг октябрь ойида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳа қиймати 110 млн. АҚШ доллари бўлган мазкур станцияни қуриш бўйича танлов эълон қилиниб, унда БААнинг “Abu Dhabi Future Energy Company — Masdar” компанияси ғолиб бўлди.

“Masdar” Бирлашган Араб Амирликларининг 200 млрд. долларлик инвестициявий портфелига эга “Mubadala” давлат холдинги тизимида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш соҳасида фаолият олиб боради. Шу кунга қадар у 20 ГВт қувватдаги фотоэлектр станцияларини дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида бунёд этган.

## Офтоб — беминнат хазина

2020 йил 14 апрелдаги “Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида компания томонидан “Nur Navoi Solar” масъулияти чекланган жамиятига асос солиниб, станция учун Кармана туманининг Хазора массивидан 268 гектар ер майдони ажратилди. Қурилиш, 292 минг 232 дона қуёш панелларини ўрнатиш, 600 дона инверторни улаш, салкам 1000 километрлик турли электр кабелларни тортиш қисқа муддат, яъни бир ярим йилда амалга оширилди. Станция 2021 йилнинг 27 августида илк қувватни мамлакатимиз электр тармоқларига узатди.

— Инсон ҳаёт тарзининг асосини энергия ташкил қилиши ҳеч кимга сир эмас, — дейди станция муҳандис оператори Нурмат Тошев. — Ўшандан буён станциямиз қуёшли кунларда максимум 1 200 000 кВт-соат, булутли кунларда эса 400 000 кВт-соат электр энергия ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, тунги пайтларда ўз истеъмолимиз учун “Навоий ИЭС”дан бир кунда 2 200 кВт-соат электр энергия қабул қиламиз.

Электр станциянинг ишга туширилиши билан маҳаллий аҳолидан 25 киши доимий иш билан таъминланди. Уларнинг асосий қисми қуёш панелларини тозалаш ва станциянинг бошқа инфратизимига хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

— Станция ишга тушган вақтдан бошлаб ҳар соатда ўртача 80 МВт-соат электр энергияси қабул қилмоқдамиз, — дейди “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Навоий магистраль электр тармоқлари филиалининг “Кармана” нимстанцияси навбатчи муҳандиси Камолиддин Жамолов. — Умумий ҳисобда станция ишга туширилгандан бошлаб то шу йилнинг 26 июлига қадар 493 минг 531 МВт-соат электр энергияси қабул қилиб олдик. Рости, буни осмондан ёғилаётган барака, десак, адашмаймиз. Ундан қанча унумли фойдалансак, иқтисодиётимиз шунча юксалади.

## Барқарорлик таъминланади

Очиғини айтганда, электр қувватига нисбатан ошиб бораётган эҳтиёжни тўлақонли қаноатлантириш, саноат фойдаланувчилари учун электр етказиб беришни сифатли таъминлаш, режадан ташқари ўчиришлар (қурилмаларнинг фавқулодда ишдан чиқиб қолиш ҳолатлари) кузатилаётган бир пайтда юқоридаги рақамлар анчагина ожиз кўриниши табиий. Бироқ асримиз бошига нисбатан мамлакатимизда электр энергиясидан маиший фойдаланувчилар ишлатган электр энергия миқдорининг қарийб олтмиш фоизга ошганлиги, электр энергиядан умумфойдаланишда эса аҳолининг улуши салкам икки баравар ортганини инобатга олсак, ушбу стратегия нақадар истиқболли эканлиги ойдинлашади.

Истиқболда эса биргина Навоий вилоятида 2024 йил якунига қадар умумий қуввати 800 МВт бўлган қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади. Бунинг натижасида йилига 2,5 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 762 млн. метр куб табиий газ иқтисод қилинишига эришилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу — республикамизнинг бугунги кунда энергияга бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп энергия ишлаб чиқариш мумкин, деганидир.

Асосийси эса мамлакатимизда энергетиканинг ривожланиши, истеъмолчиларга электр энергиясини барқарор етказиб бериш, экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёш, шамол қурилмалари)нинг ҳаётга татбиқ этилиши табиий ресурсларни келажак авлод учун асраб-авайлаш, атмосферага ёқилғи ёнишидан ҳосил бўлган зарарли моддалар чиқаришни камайтиришнинг муҳим омили ҳамдир.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

Президент топшириғи — амалда

# СУВ КЕЛТИРГАН — ЭЛДА АЗИЗ

*Мамлакатимизда кейинги йилларда амалиётга жорий этилаётган ҳаётбахш дастурлар доирасида инсон манфаатлари, қадр-қимматини юксалтиришга бўлган эътибор яхшиланди.*

Хусусан, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” дастурлари, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали маҳаллалар инфратузилмасини янгилаш ишлари янада жонлантирилди. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига маҳаллаларда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўлами кенгайиб, бунинг самараси сифатида энг чекка ҳудудларда ҳам ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти.

Инсонга яхши яшаши учун, энг аввало, кундалик эҳтиёжлар қондирилишининг ўзи кифоя. Хусусан, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, йўл, таълим ва тиббиёт соҳаларидаги муаммоларнинг бартараф этилиши турмуш шароитини яхшилашнинг дастлабки босқичларидир. Шу боис юртимизда ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, ислоҳ қилиш, замонавий лойиҳаларни жалб этиш орқали янги босқичга олиб чиқишга эътибор қаратилаётир.

Бу борада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадига йўналтирилган ишлар кўлами ҳам ҳар доимгидан ортди. Оддий мисол, бундан атиги беш-олти йил муқаддам Андижон вилояти аҳолисининг сув билан таъминланганлик даражаси 67 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич қарийб 87 фоизга етди.

— Бугун аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини яхшилаш бўйича ҳукуматимиз томонидан кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда, — дейди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ директори Шуҳратбек Матмусаев. — Айниқса, 2017 — 2022 йиллар “Андижон сув таъминоти” МЧЖ учун энг шиддатли даврга айланди. Сабаби, мана шу йиллар давомида барча манбалар ҳисобидан 917 млрд. сўм маблағ ҳисобига вилоят миқёсида 3 минг 961 км. ичимлик суви тармоғи тортилиб, 814 та иншоотда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида 588 минг нафар ҳамюртимиз ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 986 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Марҳамат тумани бундан атиги олти йил муқаддам нафақат Андижон вилояти, балки мамлакатимизнинг сув таъминоти оғир ҳудудларидан бири бўлган. 2017 йили туманнинг сув билан таъминланганлик даражаси 42,1 фоизни ташкил этган. Туманнинг обиҳаёт етиб бормаган маҳаллаларига “Андижон сув таъминоти” МЧЖ томонидан махсус автомашиналар орқали ичимлик суви етказиб берилган. Аммо “Қўлдан берганга қуш тўймас” деганларидек, бу аҳолининг кунлик талабини қондиришда ечим бўла олмади. Эзгу ташаббус доирасида туманда сув таъминоти ишларини яхшилашга киришилгач, аҳолининг кўп йиллик орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Ўтган қисқа даврда 75 млрд. сўмлик истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, 342 км. ичимлик суви тармоғи тортилди ҳамда 35 дона сув иншоотини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Бир томчи сувнинг қадр-қимматини сувга зор бўлганлар яхши билади, — дейди Марҳамат туманидаги “Бобохуросон” МФЙ раиси Таваккалжон Шомуродов. — Бир пайтлар олис масофадан сув ташиб келган, ариқ сувини ичган пайтларимиз ҳам бўлган. 2016 йилдан бошлаб кўчаларимизга босқичма-босқич қувур тортиш, мавжуд сув иншоотини таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозирги кунга келиб эса ҳар бир хонадонга сув жўмраклари ўрнатилди. Шу тариқа маҳалламиз юз фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Жалақудуқ тумани ҳам ичимлик суви таъминотида муаммолардан холи эмас эди. Ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг қарийб 25 — 30 йиллик муаммолари ижобий ечим топди. Айни пайтда туман миқёсида ичимлик суви таъминоти даражаси 82,4 фоизга етказилган.

Туманнинг “Янги сор” МФЙ аҳолиси амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан ниҳоятда мамнун. Боиси, ҳудуднинг салкам 5 минг нафар аҳолиси тўлиқ сув билан таъминланди. Мавжуд 11 та кўчада жойлашган 910 та хонадоннинг ҳар бирига сув жўмраклари ўрнатилди.

— Бундан атиги бир йил олдин ҳам маҳалламизда сув бўлмаганлиги сабабли ер ости сувидан фойдаланишимизга тўғри келарди, — дейди меҳнат фахрийси Неъматжон Аҳмадалиев. — Афсуски, бу сув истеъмолга яроқсиз бўлиб, ноиложликдан уни турли қўлбола мосламалар орқали тортиб олардик. Ҳозир эса шароитимиз буткул ўзгарган. Аҳоли сифатли, тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўляпти.

Тан олиш керакки, нафақат туманлар, ҳатто вилоят маркази — Андижон шаҳрининг ўзида ҳам тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар етарли эди. Айни жиҳатлар инобатга олиниб, сўнгги йилларда Андижон шаҳрида 53 минг нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 107 минг нафар ҳамюртимизга хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди. Бундан табиийки, аҳоли миннатдор.

— Ёзнинг иссиқ кунларида бир томчи сув ҳам кўзимизга гавҳар бўлиб кўринган пайтларни бошдан кечирдик, — дейди “Уйғур” МФЙда истиқомат қилувчи Саидахон Ибрагимова. — Боиси, кўпинча ёз фаслида ичимлик суви бўлмас, рўзғор юмушлари учун ариқдаги сувдан фойдалансак, истеъмол учун дўкондан сотиб олишимизга тўғри келарди. Шаҳарда яшасакда, айрим қишлоқлардаги сув таъминоти биздан кўра яхшироқ эди. Шукрки, энди у кунлар ортда қолди...

Мухтасар айтганда, жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни халқимиз ҳаёт тарзи ва сифатини янада яхшилаш, юртимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида кечаётган эзгу ишларнинг амалий ифодаси, дейиш мумкин. Андижон вилоятида бу каби эзгу ишлар бир зум ҳам тўхтаб қолаётгани йўқ. Зеро, аҳолига инфратузилма хизматлари сифатини яхшилаш орқали турмуш фаровонлигини тубдан ўзгартириш мумкин. Шу боис вилоятда бу каби хайрли ташаббуслар тобора кенг қулоч ёзмоқда.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

Қулайлик

# ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНАГА ОНЛАЙН ТИЗИМ ОРҚАЛИ ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ

*Қарши давлат университетида талабалар учун муносиб шароит ва қулайлик яратиш мақсадида ўзига хос янгиликка қўл урилди.*

Унга кўра, эндиликда талабалар махсус ҳавола орқали ётоқхонага жойлашиш учун онлайн шаклда ариза топширишлари мумкин.

— Янги платформанинг афзаллик жиҳати шундаки, унда ётоқхона олиш учун аризаларни уйда туриб юбориш, тасдиқлаш ва рад этиш жараёнини кузатиб бориш ҳамда SMS-хабарномалар олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни устувор равишда жойлаштириш, шаффофликни таъминлаш каби қатор қулайликлар мавжуд, — дейди таълим муассасасининг талабаларни тураржой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Умиджон Холмуродов. — Талаба ўзи ўқиётган факультет учун ажратилган ётоқхона, ундаги бўш хоналар билан танишади ва ўзига маъқулини танлаб, буюртмани юборади. Тўлов қилингач, ушбу ўрин эгалланган ҳисобланади ва бошқа фойдаланувчига кўринмайди.

Айтиш жоизки, университетда 10 та талабалар тураржойидаги ўринлар 3038 тани ташкил этади. Бу мавжуд эҳтиёжни деярли тўлиқ қоплаш имконини беради.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# БИЛИМЛИ, КУЧЛИ ВА ДОНО ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛОВЧИ МАСКАН

1 Ўтган йили Нукус, Хива, Наманган ва Тошкент шаҳридаги Президент мактабларини жами 92 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 88 нафари хорижий олий таълим муассасаларида ўқиш таклифини олишди. Бу ёшлар чет эл олийгоҳларининг жами 28 млн. долларлик таълим грантини ютгани эътиборга молик. Масалан, Хива шаҳридан Ҳидоят Рўзметов бир вақтнинг ўзида дунё рейтингида 37-ўринда турувчи Буюк Британиянинг “King‘s College”, “Топ-300” таликка кирувчи “University of Arizona” ҳамда “Топ-1000” таликка кирувчи жами 23 та олий таълим муассасасидан 2,5 млн. доллар миқдорида таълим грантини ютганидан фахрланмай бўладими?

2023 йилда эса Президент мактабларини 326 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг барчаси халқаро тил билиш (IELTS), 50 фоизи халқаро математика ва инглиз тилини билиш даражасини баҳоловчи (SAT) сертификатга эга бўлди. 84 фоизи нуфузли хорижий олийгоҳларнинг жами 104,4 млн. доллар миқдоридаги таълим грантини қўлга киритди.

Наманган шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Гўзалхон Ҳайдарованинг натижалари, айниқса, ҳавас қилса арзигулик. У дунё рейтингида 7-ўринда турувчи АҚШнинг “Harvard” ҳамда “Princeton” университетларининг 100 фоизлик грантини қўлга киритди. Пойтахтдаги шундай мактаб битирувчиси Жафар Орифжонов эса ундан-да юқори — дунё рейтингида 6-ўринда турувчи “California Institute of Technology” олийгоҳининг грантини ютган биринчи ўзбекистонлик талабага айланди.

Маълумки, 2022 йилда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида 197 та таълим ташкилоти фаолият юритган. 2023 йилда у Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги қилиб қайта ташкил этилгач, тизимдаги таълим ташкилотлари сони 13 тага ошиб 208 тага етди ва шундан 14 таси Президент мактабидир.



Ушбу таълим муассасаларида илм олиш истагида бўлган ёшларга янада қулайликлар яратиляпти. Жорий йилдан бу борадаги низом янада такомиллаштирилиши ўлароқ, анкета, гувоҳнома нусхаси бекор қилинди, ўқувчилар учун Президент мактаби билан бирга қўшимча ихтисослаштирилган мактабларга ҳам ҳужжат топшириш имконияти яратилди. 6 — 11-синфлардаги бўш ўринларга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби жорий этилди. Хорижий мутахассислар танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ҳам такомиллаштирилгани туфайли педагоглар таркиби 64 нафар хорижлик малакали мутахассис билан тўлдирилди.

Аслида, юқорида зикр этганларимиз ушбу йўналишдаги ислоҳотларнинг бир бўлаги холос. Муҳими, бундай масканлар очилгач, мамлакат бўйлаб нафақат ўқувчиларда, балки миллионлаб ота-оналар қалбида таълимга интилишдек умуммиллий мотивация пайдо бўлди, десак, асло муболаға эмас. Асосий мақсадимиз ҳам аслида шу — фарзандларимизнинг билим олишга интилишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, янги Ўзбекистоннинг пойдеворини ана шундай баркамол авлод билан қуришдир.

**Абдумалик АКРАМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

---

# ХОРИЖ САРМОЯСИ — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР КАФОЛАТИ

*Иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини ошириш, ҳусусан, аҳоли учун муносиб ҳаёт барпо этиш янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош йўналишларидан, десак, асло муболаға бўлмайди. Айни жараёндаги истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида инвестициявий фаоллик, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш масаласига асосий драйверлардан бири сифатида қаралаётгани эътиборга молик. Шу маънода, Наманган вилоятида ҳам долзарб вазифага ана шу жиҳатдан келиб чиқиб ёндашилаётгани амалий натижалар салмоғи юқори бўлишида муҳим роль ўйнамоқда.*

Интилиш

Тўғри, хайрихоҳ бўлган хорижий ҳамкорнинг амалий ҳаракати билан аввало, мақсадли сармоя, унинг негизида илғор техника ва технология кириб келади. Аммо инвесторни жалб қилиш оддий иш эмас. Бунда, биринчи навбатда, қулай ва ишончли сармоявий муҳит, зарур ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратмоқ лозим. Ривожланган тадбиркорлик тизими, талаб даражасидаги шарт-шароит туфайли биргина 2022 йилнинг ўзида вилоятда 379,8 миллион АҚШ долларига тенг тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилди. Айни омил ҳисобига ижросини топган 17 та лойиҳа якуни билан 5967 та ишчи ўрни вужудга келди. Инвесторлар географиясига эътибор қаратадиган бўлсак, Хитойдан 118,8 млн., Туркиядан 16,9 млн., Германиядан 11,3 млн., Россия Федерациясидан 6,4 млн., ва бошқа давлатлардан 192,4 млн. АҚШ доллари миқорида сармоя жалб этилганини кўрамиз.

Кейинги пайтда амалга оширилган истиқболли лойиҳалардан бири — Давлатобод туманидаги “Fazman textile” масъулияти чекланган жамиятидаги ишлар ўз салмоғи билан эътиборни тортади. Бу ерда Германиянинг дунёга танилган “Hugo Boss” компанияси ҳамкорлигида 23,8 млн. доллар сармоя ўзлаштирилиши билан катта қувватга эга тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда кийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий мажмуа фойдаланишга топширилди. Айни пайтда корхонада 1400 киши меҳнат қилиб, маҳсулотнинг асосий қисми МДҲ ва Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Наманганда жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам ўтган йилги ўсиш суръатлари сақлаб қолинди ва вилоят иқтисодиёти хорижий ҳамкорларнинг 289,7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармояси билан қўллаб-қувватланди. Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Давлатобод ва Чуст туманларининг ҳар бирида 50 млн. доллардан кўп инвестиция ўзлаштирилиб, ҳар икки ҳудудда 50 мингга яқин иш ўринлари яратилди, қўшимча 1 трлн. сўм тушум амалга оширилди.



Шу ўринда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўзига яраша салоҳиятга эга Чуст тумани тажрибаси ҳақида гапириб ўтиш ўринлидир. Туманда жорий йил учун кўзда тутилган инвестициявий режа олти ой ичида 159,6 фоизга уддаланди. Турли йўналишдаги 39 та лойиҳа рўёби билан бандлик, маҳсулот тайёрлаш ва экспорт ҳажми бўйича янги имкониятлар юзага келди.

— Туман ҳудудида ташкил этилган “Наманган” эркин иқтисодий зонасида йирик металлургия заводини ишга туширдик, — дейди “Tai chang special steel” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона директори Расулжон Жўраев. — Бу ерда замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ҳавас қиларли инфратузилма яратилган. Хитойлик ҳамкорларимиз 50 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа ижроси учун ишонч билан бош қўшганининг сабаби ҳам шунда. Биринчи босқичда 300 кишини ишга қабул қилдик. Йилига 50 минг тонна металлни қайта ишлашга мўлжалланган қувватлар босқичма-босқич ўзлаштирилмоқда. Бошланишига унча мураккаб бўлмаган металл прокатлар, шунингдек, рўзғор учун мўлжалланган ўнлаб турдаги буюмлар тайёрлаяпмиз. Яқин вақт ичида кейинги босқич амалга оширилиши билан иш ўринлари сони 800 тага етади. Шунда йиллик экспортимиз ҳажми 18 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

“Ифода агро кимё ҳимоя”, “Faktoru sement” масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа бир қатор тадбиркорлик субъектлари мутасаддилари ҳам бизнес учун Чустни танлаб, фаолиятни изчил йўлга қўйиб олганидан мамнун. Муҳим жиҳати, бундай лойиҳалар шарофати билан туман маҳаллий бюджети тушуми ортди, ҳудуднинг экспорт имкониятлари кенгайди. Буни масалан, йил бошидан буён ташқи бозорга чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми 18,9 млн. доллардан ошганида ҳам кўриш мумкин.

— Тўғридан-тўғри хорижий сармояни жалб қилиш борасидаги ишларимиз шу масалага бағишланган видеоселекторда давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилгани масъулиятни икки карра оширди, — дейди Чуст тумани ҳокими ўринбосари Ибратали Тўхтасинов. — Ҳаракатларимиз миқёсини янада кенгайтириб, йил охиригача жами жалб этилган инвестициялар ҳажмини 100 млн. долларга етказишни белгилаб олдик.

Хорижий ҳамкорлар билан ишлашда бу сингари фаоллик январь — июнь ойларида 31,8 млн. доллар тўғридан-тўғри сармоя жалб этган Наманган шаҳри, 50,1 млн. ва 57,3 млн. долларлик кўрсаткичга эришган Давлатобод ҳамда Поп туманларида ҳам кузатилди.

Умуман олганда, вилоятда яратилган қулай сармоявий муҳит жаҳоннинг кўплаб нуфузли компаниялари, йирик ишбилармон доираларнинг Наманган заминида бизнес юритишга қизиқиши ортиб, ҳудуд иқтисодиёти ривожига жўшқинлик бахш этаётгани кундан-кун кўпайиб бораётган икки томонлама манфаатли шартнома ва истиқболли лойиҳалар мисолида яққол намоён. Ўз навбатида, мазкур йўналишда янада юксак марралар олиниб, йил охирига қадар ўзлаштириладиган жами хорижий инвестициялар ҳажмини 980 млн. АҚШ долларига етказиш негизида яна 13 та йирик лойиҳани амалга ошириш ҳаракати авж олдирилаётгани таҳсинга сазовордир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси қўмита аъзоси Рустам Халмурадовга волидаи муҳтарамаси

**ХОВАР аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# ҚУЁШДЕК ҚАЛБЛАРНИ НУРАФШОН ЭТГАН КИТОБ




**_Акамнинг китобга қизиқиши ортидан “Ўткан кунлар” романининг 50-йиллардаги ноёб нашри хонадонимизга кириб келган. Мен тошми, чиллакми ўйнаб, чарчаб акамнинг хонасига кирсам, “Ўткан кунлар” деган китоб стол устида ётибди. Акам уйда йўқ эди. Не бахтки, китобни қўлимга олдим. Менга на китоб ва на унинг муаллифи номи таниш. Аслида, китобнинг муқовасидаги ўзига хос қадимийликни акс эттирувчи чизги мени ўзига тортган эди. Китобнинг ўртароғидан очдим-да, “Ўша сизми?” деган сатрларга кўзим тушди. Қизиқиб, ўқишни давом эттирдим. Сўнг ўша бобини бошидан қайта ўқиб чиқдим._**

## Мутолаа

Рости, илгари “Тоҳир ва Зуҳра” эртагини жуда яхши кўрардим. Муҳаббат мавзуси мени ўз жозибаси билан тортадиган кезлар. Шунинг учун “Ўткан кунлар”ни ўқишни давом эттирдим. Уни икки кунда ўқиб тугатдим. Асарда мен ҳали тушунмайдиган сўзлар кўп эди. Шунинг учун уни қайтадан ўқишга тутиндим. Китоб муқовасидаги Абдулла Қодирийнинг суратини томоша қилдим. Унга “Жулқунбой” деб ёзиб қўйилган. Бу қозоқ ёзувчисимикан, деб ўйладим. Нима бўлганда ҳам, Жулқунбой ғоятда келишган одам бўлган экан, китобда Отабекнинг қиёфасини тасвирлаганида айнан ўзининг кўринишини берган бўлса, ажаб эмас.

Китобда Сарвар Азимовнинг сўзбошиси бор эди, уни ўқидим. “Мавзуни мозийдан — яқин ўткан кунлардан; тарихимизнинг энг кирлик — қора кунлари бўлған хон замонларидан белгуладим” сўзларининг мағзини чақишга уриндим. Хуллас, 35 ёшга киргунимча бу китобни камида 30 маротаба ўқиб чиққандирман, десам, муболаға эмас.

Ҳали-ҳануз у-бу баҳона ушбу китобни ўқиб тураман. Демак, ҳануз ўсаётирман. Менимча, умримнинг охиригача ўсишдан тўхтамасам керак...

### «Адабиётчилар олдида тиз чўкаман»

1985 йилда тобим қочиб шифохонада ётганимда “Ўткан кунлар”ни ўзимга ҳамроҳ қилдим. Даволовчи икки шифокор аёл қўлимдаги китобни кўриб: “Бу китобни энди ўқияпсизми?”, деб сўради. “Ҳа, энди ўқияпман. Ўттизинчи маротаба...” дея жавоб қилдим, табассум билан. Шифокорлар ҳам жилмайиб қўйишди. Улар кайфиятим яхшилигигами ёки китобни ўттизинчи марта қайта кашф этиб ўқиётганимга жилмайишдими, билмадим.

Китоб кўплаб тилларга таржима қилинган. Адашмасам, инглиз тилига қайта ўгирилди, яна қайсидир тилга ўгириляпти. Бу, албатта, яхши. Лекин ёзувчининг айтар сўзи, туйғуси бус-бутунлигича, тўлалигича, заррача бўлсин оғишларсиз инглиз ўқувчиларига етказиб берилиши шарт. Шундагина ўзбек ёзувчисининг шоҳ асаридан дунё китобхонлари баҳраманд бўлади, биз ҳам бундан хурсанд бўламиз, фахрланамиз.

Асарнинг ўқувчига айнан ёзувчи ижод қилганидек етиб бориши борасида хавотиримиз бежиз эмас. Буни кўрингки, асар илк бор чоп этилганида нашриётнинг айби билан чалкашликлар рўй берган экан. Авваламбор, китоб қўлёзмаси тайёр бўлгач, беш йилгача чоп этилмай, нашриётда ётади. Орадан беш йил ўтгач, 1925 йилдагина унинг биринчи қисми, кейинги йилда иккинчи ҳамда учинчи қисмлари нашр қилинади. Бир сабаб билан асарнинг биринчи қисми нашр этилаётган пайтда Абдулла Қодирий Тошкентда бўлмайди ҳамда матн унга кўрсатилмаган бўлади. Натижада кўп хатоликлар ўтиб кетади. 1926 йилда алоҳида муқовада чоп этилган китобнинг 2 ва 3-қисмларига муаллиф олдин чоп этилган китобдаги камчиликлар учун ўқувчилардан узр сўраб, ўзининг “Кечирим” сарлавҳаси остида қисқача тушунтирув узрномасини киритади. Мана ўша “Кечирим”нинг матни:

*“Ушбу сизларнинг эътиборингизга роман кўринишида тақдим этилаётган асар ёруғ дунёга чиқиш ҳаракати бошланган онданоқ ўз йўлида қатор тўсиқларга дуч кела бошлади: тайёр иш беш йил мобайнида нашр қилинмай ётди.*

*Ниҳоят, уни нашрга топшириш вақти етганида, бошқача кўринишдаги ёқимсизликлар чиқа бошлади; бизнинг уч-тўрт орфографист(!)ларимизнинг кучаниши билан ҳамда бизларнинг корректорларимизнинг бефаҳмлиги орқасида, иш бирмунча ямоқланган кўринишни олган бўлиб, менинг романим мутлақо аянчли кўринишда босмадан чиқди, уни чиқаришдаги техник ёндашув яхшироқ бўлишига кўплаб орзулар туғилди. Барчасига айбдорлик менинг ўша ўта муҳим пайтда ўз жойимда бўлмаганлигимдадир. Аммо мен бу ерда ўзимнинг чуқур норозичилигимни баён қилмайман-да, фақат ўқувчилардан ўзимнинг кечиримимни сўрайман, холос.*

*Гарчи мен романнинг иккинчи қисми ушбу камчиликлардан холи бўлишига кафолат бера олмасам-да, лекин босмадан чиқариш нашриёт қўлида эканини уқтириб ўтишликни ўринли деб ҳисоблайман”.*

Қай даражада нозик ҳамда талабчан кўнгил! Бизга Кумушбиби ҳамда Отабекни, Раъно ҳамда Мирзо Анварни тақдим этган 20 ёшли йигит бундай асарни ёза билиши учун камида даҳо бўлиши керак. Асар шундай тилда ёзилганки, унда баён этилган воқеалар барчаси ҳаётда бўлиб ўтгандек. Қаҳрамонлар, воқеаларнинг табиийлиги ва реаллиги ўқувчини ўзига оҳанрабодай тортади, жалб этади.

“Ўткан кунлар”ни ёшлигимда мутолаа қилгандим, асарга муҳаббат қўйгандим. Йиллар ўтди. Ёш ўтиши билан ёшликдаги ҳис-туйғулар, тушунчалар бир қадар ўтмаслашар, ўзгарар, ҳатто барҳам топар экан. Балки севган ёримга нисбатан бўлган муҳаббатим сўна бошлагандир? Собиқ иттифоқ доҳийларига бўлган муҳаббатим нафрат билан алмашди, лекин “Ўткан кунлар” қаҳрамонлари — Отабек, Кумушбиби, уста Олим, Офтобойим, Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидорга ҳамда ушбу адабий қаҳрамонларни ўқувчиларга тақдим этган адибга муҳаббатим сўнмади, балки вақт ўтган сайин янада улканлашди, кучланди.

Ушбу ўлмас асарни ёзишни 20 ёшлар арафасида режалаштирган ҳамда 24 ёшида ёзиб якунлаган Абдулла Қодирийнинг тафаккур кучини мен дунёга донғи кетган буюк физик олим Альберт Эйнштейннинг тафаккурига тенг, деб ўйлайман. Альберт Эйнштейн ёзувчи бўлганда бундай романни балки ёза олмаган бўларди, лекин ўйлашимча, мабодо Абдулла Қодирий шарт-шароити бор бўлиб, физика билан астойдил шуғулланганида, катта эҳтимол билан Эйнштейнга тегишли ўша нисбийлик назариясини кашф қилиши аниқ эди. Зеро, Эйнштейн “Мен математиклар олдида бўйин эгаман, адабиётчилар олдида эса тиз чўкаман”, деб бежиз айтмагандир.

### «Ўткан кунлар» қайта экранлаштирилиши керак

Энди жоиз бўлса, “Ўткан кунлар” асарини экранлаштириш масаласига бироз тўхталсак. Юртимиз киноижодкорлари томонидан китоб асосида икки маротаба тўлиқ метражли бадиий фильм ишланди. Биринчи фильм собиқ иттифоқ даврида, иккинчиси — мустақиллик йилларида.

Назаримда, иккинчи фильм кутилганидек муваффақият қозона олмади. Телевидение каналларида ҳам охирги йилларда мутлақо кўрсатилмаётир. Биласизми, мен у фильмни бир кўрдим-у, лекин бирорта эпизодни, диалогни, қиёфани эслаб қололмадим. Ҳаддан ташқари, пардоз-андоз қилган бир актрисанинг қиёфаси ғира-шира кўз олдимда. Балки гримни шунақа қилишгандир, лекин нима бўлганда ҳам қиёфа, образ жуда нотабиий кўринганди.

Албатта, ҳар бир кинорежиссёр асарни ўзича, ўзига хос тарзда талқин этишга ҳақли. Лекин ўша ўзига хослик асарнинг зарарига бўлмаслиги, аксинча, унинг қадрини, драматик юкини янада оширишга хизмат қилиши керак. Ўйлайманки, Абдулла Қодирийнинг “Кечирим”и бизга худди шу жиҳатларни эслатиб туриш учун ёзилган.

Биринчи фильмни ТВ орқали қайта-қайта томоша қилиб турамиз. Кўнгилгаям урмайди, актёрлар ижроси ҳам ёмон эмас. Лекин барибир нималардир етишмайди-да! Афсусланарлиси, собиқ мустабид тузум таъсири шундоққина билиниб туради. “Ўткан кунлар” китобини ўқимаган томошабин кўп ўринларда воқеликни тушунишга қийналиши мумкин. Воқеалар баъзи ўринларда узуқ-юлуқ. Фильмнинг бу каби жузъий кам-кўстларини иқтидорли актёрларимизнинг жозибали ижролари “ёпиб” кетган, албатта.

Биламиз, кинотасвирга олиш ҳазилакам иш эмас, у катта меҳнат, маблағ эвазига яратилади, кўп жараёнларни ўз ичига олади. Шу боис ҳам, китобхонларга қанчалик қадрли ва қизиқарли бўлмасин, “Ўткан кунлар”ни учинчи бор экранлаштиришга киноижодкорларимиз бел боғлашмаса-я, деб қўрқаман. Лекин бу фильм мукаммал тарзда қайта ишланмаса, улуғ адибимиз руҳи олдида уятли бўлиб қолишимиз аниқ...

### Ҳур фикрли зиёлиларни қирғин қилган тузум

Абдулла Қодирий ўша давр сиёсати қаричи билан ўлчаниб, “ёт унсур”га айланди. Ўша давр нуқтаи назаридан қаралса, кўп ўринларда Абдулла Қодирий мавжуд сиёсий тузум қураловчисидек майдонга чиқади: бой-бадавлат кишилар мол-мулки тортиб олинган, “қулоқ” қилиниб, гўдак боласигача қўймай Сибирга, Украинага бадарға этилган, давр сиёсати ер-мулк эгалари, бой-бадавлат кишиларни золим, еб тўймас, очофат махлуқлар қиёфасида кўрсатиб, авом халқнинг кўзини “очиб” турган бир пайтда адиб ўз романида бой-зодагонларни раҳм-шафқат, саховат соҳиблари сифатида кўрсатиб, уларнинг фарзандлари фазилатларини инсонларга ўрнак бўлувчи, муҳаббатда Лайли ва Мажнунга-да тенглашувчи Отабек ҳамда Кумушбиби қиёфасида намоён қилса?! Бу нима гап? Бундай сиёсий тузум қуроловчисига миллатнинг ҳур фикрли зиёлиларини қатағон этаётган, миллионлаб бегуноҳ инсонларни ваҳшийларча кишанга солаётган, дорга тортаётган, қирғин қилаётган тузум, унинг жирканч раҳнамолари чидаши мумкинмиди?!

Ўша босқинчи тузум: “Бу юртнинг халқи саводсиз, биз уларнинг саводини чиқаряпмиз”, деган ёлғон сиёсатни дунёга тарқатиб, айюҳаннос солаётган бир пайтда ўша “саводсиз” халқнинг икки фарзанди — Отабек ва Кумушбиби ёзган мактубларининг маъно-мазмунида Алишер Навоий, Фузулий, Жомий, Низомий, Фирдавсий, Пушкин, Толстой, Шекспир, Данте улуғлаган туйғулар жўш уриб турган бўлса, бу ўша манфур тузумнинг асл башарасини фош этмайдими?! Аниқки, асарда ўша даврнинг чириган мафкураси “томорқасига отилган тошлар” кўп эди.

“Биз бу халқни қашшоқлик азобидан қутқаздик”, дея ўзининг сохта инсонпарварлигини оламга кўз-кўз қилаётган тузум сиёсатига қарши ўлароқ, асар саҳифаларида қовоқ девонадан ўзга гадою дарвешлар, чувриндилар на Марғилонда, на Қўқонда, на Тошкентда ва на Отабек йиллар мобайнида неча бор ўтган йўлларда ўқувчига учрамайди (аслида, ўзбек диёрида гадойлар мустамлакачилар босқинидан кейин кўпайиб кетгани ҳеч кимга сир эмас).

Биз саёҳатчи Вамберининг юртимиз мустамлакага айлангунича бўлган даврга оид хотираларида ҳам диёримизда гадойлар, чувриндилар кўп бўлгани далолатини кўрмаймиз. Аксинча, Вамберининг гувоҳлик беришича, бу юртда бирор гадой эшигини тақиллатган ҳар қандай ўзбек хонадони унга ош-нон, кийим-бош, ҳатто ақча берган, асло қуруқ қайтармаган. Гадойдан баттар бир аҳволда, ҳеч вақосиз, яримяланғоч, чувриндиларга ўраниб ўзбек диёрига етиб келган Вамбери то Афғонистон чегарасига етгунича бир от ва бир эшакка ортилган мол-мулк орттирганини ёзиб қолдирган.

Бундан кўринадики, “Насриддин Бухорода” каби фильмларда “улуғ оға” қадами етмагунича бу юртни гадойлару қашшоқларга “бой” қилиб кўрсатиш сиёсий талаб маҳсули бўлган.

### Асл қадриятларимизнинг мумтоз намунаси

Асарда келтирилган Ўтаббой қушбеги (тарихий шахс, 1846 — 1860 йилларда яшаб ўтган), Юсуфбек ҳожи ва ҳатто Худоёрхонни ҳам бир қадар адолатли шахс сифатида кўрсатиш орқали муаллиф адолат тантанаси учун қилинган революция ютуқларини чиппакка чиқариб қўяди. Ҳақсиз-ҳуқуқсиз деб ҳисобланган бир паранжи-чачвонли ожизанинг Ўтаббой қушбегининг олдига кириб бориши хонлар даврида ҳам адолатга йўл бўлганини исботлаяпти-ку! Қуллари Ҳасанали ҳамда унинг хотини Ойбодоққа нисбатан Юсуфбек ҳожи оиласи аъзоларининг инсоний муносабатда бўлганини баён қилиш ўша давр салтанатининг олиб бораётган сиёсати таг-томирига урилган болта эмасмиди? Бундай ҳолатни баён қилиб берган Абдулла Қодирийни бежазо қолдириб бўлармиди?!

Кетма-кетига икки маротаба икки намозхон, мўмин-мусулмон, қуруқ тухматга учраган кишилар — Отабек ҳамда Мирзакарим қутидорнинг дор остидан озод бўлиши қизил мафкура малайлари томонидан диндорларга, мусулмончиликка қарши кураш йўлидаги кучли ғов сифатида қабул қилинганига шубҳамиз йўқ. Албатта, ўшалар наздида Абдулла Қодирийнинг бу “беодоблиги”ни ҳам кечириб бўлмас эди.

Отабекнинг ёлғиз ўғли Ёдгорнинг ўша давр сиёсати оқибати ўлароқ очарчилик йилларида очликдан ўлиб кетиши ҳам партия сиёсатига қарши адибнинг салиб юриши дея талқин қилинган чиқар балки. Ёдгорнинг икки фарзанди, демакки, Отабекнинг набиралари, Юсуфбек ҳожидек одамнинг эваралари босмачилар сафига қўшилиб кетиши-чи? Мулоҳаза қилинса, биргина шу эпизод орқали халқнинг тушунчасида, демак, босмачилар сафида давр тузуми уқтирмоқчи бўлганидек, фақат каллакесарлар эмас, балки шундай покиза инсонлар авлодлари ҳам бўлган экан, демакки, улар бекорга эмас, балки ўзи билган ҳақиқат учун курашган экан-да, деган тушунчанинг уйғониши ўша давр сиёсати учун нафақат кераксиз, балки хавфли, хатарли эди.

Вақти келиб Абдулла Қодирийнинг 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўқиш, сақлаш ман этилган асарлари китоб жавонларидан яна ўзига муносиб жойни эгаллади. Бунинг учун яна тузум нуқтаи назаридан Абдулла Қодирийни оқлаш керак бўлиб қолди. Оқлашди ҳам. Лекин мен ҳамон “Абдулла Қодирий оқланган” деган гапни ҳазм қилолмайман. Чунки унга нисбатан “айбсизлиги, халқ душмани эмаслиги, миллатнинг улуғ адиби манфур тузум қурбони бўлгани тан олинди” деган мазмундаги сўзларни қўллаш керак эди. Аслида оқланишга кимлар муҳтож эди? Адибни қатағон қилганлар, дор остига келтирганлар, бўйнига сиртмоқ солганлар эмасми?!

Хуллас, хурсанд бўлганимиз — буюк адибнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” каби китоблари қуёшдек яна қалбларни нурафшон эта бошлади. Бу асарларни ўқир эканмиз, улардан руҳий-маънавий куч оламиз, шу эл-юрт истиқболи йўлида ғайратимиз тошади. Миллатни уйғонишга, уни қуллик кишанларидан қутулишга, ўзлигини, ўз ҳақ-ҳуқуқини танишга даъват этган бу асар тафти абадулабад юракларни ёлқинлантираверади, қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодга ўтиб, асл қадриятларимизнинг мумтоз намунаси сифатида юракларни сайқаллайверади.

**Мансурхон ТОИРОВ,**
**физика-математика фанлари доктори, профессор.**

## Ғамхўрлик

# «МЕН СИЗНИ ОНАМ ДЕЙМАН...»

*Фарзанд — ҳаёт гултожи. Инсон умрининг мазмуни ана шу бебаҳо неъмат камоли билан ўлчанади. Бола эса ота-она меҳри билан тирик, ундан баҳра олиб улғаяди. Яқинларини йўқотгани ёки бошқа сабаблар билан меҳрдан бенасиб бўлганлар-чи...*

— Ҳали йўлимизни топмай туриб, онам бизни отамга қолдирганича хорижга кетди, — дейди гўдаклигида энг яқин инсони бағридан узоқлашган Достон Турсунов. — Отам бизга қарашни истамади. Укам иккимизни “Тез орада сизларни қайтариб олиб кетаман” дея Меҳрибонлик уйига ташлади-ю, шундан сўнг қорасини кўрсатмади. Бу ерда бир муддат тарбияландик.

Орадан кўп ўтмай ака-укани меҳрибон инсон — Уйчи туманида яшовчи Муҳаммадали Қамбаров оиласи фарзандликка олиб кетди. Табиатан болажон бўлган хонадон соҳибаси Наргиза опа Жўраева дастлабки кунданоқ уларни ўз дилбандидек оғушига олгани боис болалардаги ётсираш узоққа чўзилмади ва ака-ука бу ерга худди ўз уйлари мисол ўрганиб қолишди. Ўрта мактабни битириш арафасида турган Достон пухта тайёрланиб, ўтган йили Ўзбекистон Миллий гвардиясининг “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейига ўқишга кирди. Укаси Дониёр мактабдаги ўқиш билан бирга Уйчидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида эстрада хонандалигидан сабоқ оляпти.

Дарвоқе, кунларнинг бирида болаларнинг ўз онаси келиб, уларни олиб кетмоқчилигини айтди. Бироқ инсоннинг кўнгли қолмасин экан, ака-укалар ғурбатли хонадонга қайтишни исташмади.

— Мен сизни онам, деганман, — ўша куни Наргиза опанинг бағрига талпинди Дониёр...

2021 йилнинг октябрида Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйидан олти нафар болани фарзандликка олган Уйчи кўчасининг Ҳуррият маҳалласида яшовчи Муҳаммадали Қамбаров ва Наргиза Жўраева ўз хонадонида “Ёрқин келажак” номли оилавий болалар уйини ташкил этди. Савобли ишга қўл уриб, бирданига олти ўғилнинг ота-онасига айланган бу инсонлар тутинган фарзандлари учун ҳеч кимникидан кам бўлмаган шароит яратишди. Яшаш учун алоҳида хоналар, спорт билан шуғулланиш учун зарур воситалар, ҳар куни тайёрланадиган бири-биридан мазали таомлар, энг муҳими, беминнат меҳр ўғлонларнинг намунали билим ва тарбия олиб, жисмоний жиҳатдан етук улғайишларида бекаму кўстликни таъминлади.

Бу ердаги яхшигина ижтимоий муҳит, айниқса, илм ва маърифатга интилиш ўз натижасини берди, бултур болаларнинг каттаси Асадбек Усмонов Наманган давлат университетига ўқишга кирди, унга давлат томонидан бир хонали уй ажратилиб, мустақил яшай бошлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Достон Турсунов Тошкентда ҳарбийликка ўқияпти. Жорий йилда умумтаълим мактабини тугаллаган Авазбек Мамажонов ҳам НамДУга имтиёзли асосда қабул қилиняпти. Отабек ва Муҳаммадазиз 13-БМСМда санъат сирларини ўрганишмоқда. Ҳа, айтганча, оиланинг ўз қизлари Дурдона ва Дилшода ҳам олийгоҳ талабаси, бири Тошкент давлат шарқшунослик университетида хитой, иккинчиси — Самарқанд давлат чет тиллар институтида араб тили филологияси йўналишида таҳсил оляпти.

— Тутинган ўғилларимнинг тақдиридан кўнглимиз тўқ, — дейди оила бошлиғи М. Қамбаров. — Боиси давлатимизнинг моддий ва маънавий кўмаги билан уларга ўз ота-онасидан ортиқроқ ғамхўрлик кўрсатган ҳолда мустақил ҳаётга тайёр қилиб улғайтиряпмиз.

Яна бир меҳр маскани — Тўрақўрғон туманининг Соҳилобод маҳалласидаги оилавий болалар уйида тарбияланаётган беш нафар болажон ҳам тақдирлари меҳридарё инсонлар хонадони билан боғланганидан хурсанд. Гулчеҳра опа Ўролова ҳамда унинг турмуш ўртоғи Нормамат ака қарамоғида улғаяётган икки нафар қиз ва уч ўғил ўз яқинларидан кўрмаган меҳрни шу ерда топишди. Улар хонадонда яратилган ҳар томонлама қулай шароитда яшаб, ҳудуддаги 23-умумтаълим мактабида таҳсил олишаётир.

— Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Наманган вилоятида бешта оилавий болалар уйи ташкил этилган эди, — дейди Миллий гвардия вилоят бошқармасининг меҳрибонлик муассасалари билан ишлаш бўйича катта офицери, капитан Темур Ҳайитбоев. — Тарбияланувчилари балоғатга етиб, ўз вазифасини бажарганлиги сабабли улардан иккитасининг фаолияти тугатилган. Айни пайтда жойлардаги учта шундай муассасада 14 нафар кўнгли ўксик ўғил-қиз меҳрли инсонлар бағрида камол топишяпти. Улар давлат томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, ҳар бири учун ойига 3 миллион 20 минг сўм маблағ ажратилади. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган 838 нафар бола ҳам васийлар кўмагида бекаму кўст ўсмоқда.

Халқимиз — болажон, давлатимизнинг меҳри ҳам ундан кам эмас. Бинобарин, ота-она тарбиясига муҳтож ўғил-қизларни қарамоғига олган фидойи инсонлар бор экан, ҳеч бир боланинг тақдири эътибордан четда қолмайди.

**Н. ҚУДРАТОВ.**

# ОЛИМА ҚИЗ МАҲАЛЛАСИДА КУТУБХОНА ОЧДИ

*Шаҳноза болалигидан китобга меҳр қўйиб ўсди. Маҳалладан чамаси 100 километрча олисда жойлашган Бухоро шаҳрига йўл олган отасининг қўлига узундан-узоқ рўйхат тутқазар, падари бузруквори у истаган бадиий китобларни келтирганида дунёда ундан бахтли инсон йўқ эди.*

## Эзгу ташаббус

Йиллар елдек ўтди. Олот туманидаги Мухтор маҳалласида яшовчи Шаҳноза Наврўзова Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг филология факультетида таҳсил олди. Магистратурани ҳам тугатди. Кейин эса докторантурада ўқиш учун Туркияга йўл олди.

Айни пайтда хорижда илмий изланиш олиб бормоқда. Аммо қаерда бўлмасин, унинг кўнглини ўзи туғилиб ўсган маҳаллада кутубхона очиш истаги тарк этмади. Туман ҳокимлиги кўмаги билан яқинда маҳаллада кутубхона очишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда кутубхона мингдан зиёд китоб фондига эга. Ундан ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ўрин олган. Муҳими, бу шинам гўша қисқа муддат ичида маҳалладаги кексаю ёшнинг севимли масканига айланди.

— Ҳудудимизда икки ярим минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди меҳнат фахрийси Қурбонгул Авезова. — Маҳалламиз вилоятнинг энг чекка манзилларидан саналади. Шу пайтга қадар кутубхона йўқ эди. Шаҳноза қизимизнинг ташаббуси билан очилган мазкур маскан нафақат ёшлар, балки биз, кексаларнинг ҳам бўш вақтимизни мазмунли ўтказишда қўл келаётир.

Ният қиламизки, китобсевар қиз, бўлғуси олима Шаҳноза Наврўзованинг ушбу ташаббуси юртимиз маҳаллалари бўйлаб қанот ёзса, айни муддао бўлар эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.00 Топширилди — 05.00 1 2 3 4 5 6